

ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА УНДАЛМА ОРҚАЛИ ВОҚЕЛАНТИРИЛГАН ФРАЗЕО-ГИПЕРБОЛЕМАЛАРНИНГ ТИПОЛОГИЯСИ ХУСУСИДА

Ғ.М.Хошимов, Ж.Б.Қорабоев

Аннотация

Мақола турли тизимли тилларда муболаға семантикасини ифодаловчи фразеологик бирликларнинг типологик ва транслатологик аспектларини тадқиқ қилиш масалаларига бағишланган бўлиб, унда биринчи бор қиёсланаётган замонавий инглиз ва ўзбек тилларида ундалма орқали воқелантирилган вербал бирликларнинг бешта муҳим коммуникатив-прагматик турлари аниқланган ва уларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш усуллари ишлаб чиқилган.

Аннотация

Статья посвящена проблемам исследования типологического и транслатологического аспектов фразеологических единиц, вербализованных междометиями в таких разносистемных языках как английский и узбекский, в которых впервые выявлены, пять основных типов сравниваемых единиц, а также разработаны эффективные способы их перевода с одного языка на другой.

Annotation

The article is devoted to the problems of investigating typological and translational aspects of the phraseological units verbalized by direct addresses in such non-related languages as Modern English and Uzbek, in which for the first time there have been revealed five main communicative-pragmatic types of the compared units and effective ways of translating them from one language into the other.

Таянч сўз ва иборалар: концептуал семантика, муболаға концептуал семантикаси, муболаға концептуал семантикасини ифодаловчи ундалма орқали воқелантирилган фразеологик бирликлар типологияси, муболаға концептуал семантикасини ифодаловчи ундалма орқали воқелантирилган фразеологик бирликларни ўзбек тилига таржима қилиш усуллари.

Ключевые слова и выражения: концептуальная семантика, концептуальная семантика «гипербола», типология гиперболических единиц, вербализованных междометиями, способы перевода гиперболических единиц, вербализованных междометиями, с одного языка на другой.

Keys words and expressions: conceptual semantics, conceptual semantics of hyperbole, typology of hyperbolic phraseological units verbalized by direct addresses, ways of translating hyperbolic phraseological units verbalized by direct addresses from one language into the other.

Тил инсон тафаккуридаги мантиқий-семантик жараёнларни, аниқроғи «когнитив/концептуал семантика»ларни ва уларнинг натижаси ўлароқ турли «концепт»ларни ўзининг мавжуд махсус вербал воситалари, бирликлари тизими орқали воқелантиради [11.52, 18.101, 17.137, 3.49, 2.12, 4.54, 16.9, 13.68, 7.37 ва б.].

Замонавий тилшуносликнинг нисбатан янги йўналиши – когнитив тилшуносликнинг марказий категорияси ҳисобланган “концепт” ментал жараёнларнинг натижаси сифатида “когнитив/концептуал семантика”нинг бир кўриниши бўлиб, уни когнитив тилшунос олимлар фрейм, пропозиция, схема, скрипт, гештальт каби ҳодисаларга қиёслайдилар [12.218-220], унинг бевосита тилда махсус вербализаторларига, яъни уни воқелантирувчи ўзининг воситаларига эга эканлигини таъкидлайдилар. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда,

бизнингча, ҳар бир вербал (шунингдек, авербал) восита у ёки бу концептни воқелантиришга дахлдор бўлиб, у махсуслаштирилгандир. Демак, тилда бирон бир вербал ёки новербал восита йўқки, у бирон бир концепт билан боғлиқ бўлмасин ҳамда уни воқелантирмасин.

Маълумки, концептларнинг кенг тарқалган таснифига кўра уларнинг икки асосий тури, яъни хусусий ва умумий(универсал) турларининг мавжудлиги кўпчилик когнитив тилшунос олимлар томонидан тан олинган [10.84, 8.29, 13.92, 14.390-392 ва ҳ.к.]. Шундай умумий лингвостилистик концептлар сирасига “муболаға” концепти ҳам киради.

Турли тизимдаги тилларда “муболаға концептуал семантика”сини воқелантирувчи вербал воситалар турлари юзасидан олиб борган қиёсий-типологик таҳлилларимиз

Ғ.М.Хошимов – АнДУ, филология фанлари доктори, профессор.
Ж.Б.Қорабоев – АнДУ катта ўқитувчиси.

шуни кўрсатдики, зикр этилган концептуал семантика универсал табиатга эга бўлиб, унинг бундай табиати мазкур концептнинг мулоқот учун муҳим ва зарур бўлган бир ментал воқелик эканлигини кўрсатади. Чунки инсон объектив борлиқни инъикос этар экан, бундай воқелик унинг тафаккурида, концептосферасида мавжуд бўлган идрокий (ментал) тушунчалардан бирига айланади. Шу боис у тилларда ўзига хос ва мос, махсус вербализаторларга эга бўлган когнитив-лисоний ҳодиса сифатида мулоқотда кенг қўлланилади.

Инглиз ва ўзбек тилларда “муболаға” концептини ифодаловчи тил воситалари юзасидан олиб борган бизнинг қиёсий-типологик таҳлилларимиз ёрдамида шу нарса аниқландики, қиёсланаётган тилларда мазкур концептни воқеалантирувчи вербализаторларнинг қуйидаги инвариант турлари мавжуд экан: 1) интонема¹; 2) фонема, аниқроғи, морфофонема (унли ва ундош орқали ифодаланган); 3) морфема; 4) лексема; 5) синтаксема: а) фразема (сўз бирикмаси); б) сентенсема (содда ва қўшма); 6) фразеоема² (фразеологик бирлик); 7) текстема.

Юқорида таъкидланганидек, мазкур вербал воситаларнинг барчаси гиперболамалар бўлиб, тил сатҳининг турли бирликлари орқали воқелантирилади. Бу бирликларнинг орасида фразеоемалар алоҳида ўрин тутди, чунки улар орқали “муболаға концептуал семантикаси” маълум кўчимлар асосида воқелантирилади. Масалан: арслондек бақувват (*as strong as a lion*), тулкидек айёр (*as cunning as a fox*), оёғини қўлига олиб чопмоқ (*to run at a breakneck speed*), боши осмонга етмоқ (*to be on the seventh heaven*) ва ҳ.к.

Таҳлилларимиз давомида биз фразеоемалар орасида “муболаға концептуал семантика” сени воқелантирувчи вербал воситаларнинг яна бир бетакрор тури, яъни ундалма орқали воқелантириладиган турини ҳам аниқладик³.

¹ “Интонема” атамаси ва унинг турлари ҳақида батафсилроқ қаранг: [9.115-118].

² “Фразема” [1.139] атамасидан фарқли ўлароқ “фразеоема” атамаси Ғ.М.Хошимов томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб, фразеологик бирликни билдиради ва “фразеосемантика”, “фразеофункция”, “фразеошакл”, “фразеоконтекст” каби фразеологияга дахлдор атамалар ва тушунчалар занжирининг бир ҳалқасини ташкил этади [15.93].

³ Ундалмали фразеологик бирликлар ҳақида умумий маълумотлар учун, қаранг: [5.35, 6.172-176].

Масалан, ўзбек тилида: онанг гиргиттон (*Онанг гиргиттон, яхшимисан?*); онанг қоқиндиқ (*Онанг қоқиндиқ, ёнимга кел!*); онанг ўргилсин (*Онанг ўргилсин, бормисан ўзи?*), онанг айлансин (*Онанг айлансин, мени соғинмадингми?*), (менинг) арслоним (*Менинг арслоним, кел ўзимга!*); (менинг) асалим (*Менинг асалим, бир оз дам олгин энди.*); (менинг) бўталоғим (*Менинг бўталоғим, бўлди энди, чарчаб қолдинг.*). Ўзбек тилида бундай фразеоемалар қаторига яна қуйидагиларни киритиш мумкин: (менинг) кўёшим, (менинг) шакарқандим, (менинг) жўжаларим, (менинг) жигарим, (менинг) жигар - бандим, (менинг) хўрозим, (менинг) кўзичоғим, (менинг) булбулим, (менинг) қалдирғочим, (менинг) лочиним, падари бузрукворим, волидаи муҳтарамамиз ва б.қ.; Инглиз тилида эса бундай фразео-гиперболамалар қаторига қуйидагилар кириди: (my) honey (*My honey, are you coming?*); (my) sweetest (*Oh, you are here, (my) sweetest!*); my darling (*Come on, my darling!*); (my) sweetheart (*My sweetheart, don't worry about your trip!*); (my) love (*What do you want to drink, my love?* ва ҳ.к. Булар қаторига қуйидагилар каби кўплаб бошқа ундалмаларни ҳам кўшиш мумкин: (my) chocolate, (my) candy (my) dearest, (my) sunshine, my heart, my soul, my life ва б.қ..

Кўриниб турибдики, қиёсланаётган тилларда ундалма орқали ифодаланган махсус фразеологик бирликлар суюш, эркалаш ва ҳоказолар каби объектив воқелик тавсифини бир қадар муболағалаштириб воқелантиришга махсуслашганлигининг гувоҳи бўламиз. Биз “муболаға концептуал семантикаси”ни воқелантирувчи фразеоемаларни, шу жумладан, уларнинг ундалмали турларини ҳам, бир умум атама билан номлаш, яъни “фразео-гиперболема”лар деб аташ мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ундалма вазифасида қўлланувчи фразео-гиперболамалар ўзларининг структурал-семантик ва коммуникатив-прагматик тузилиши жиҳатидан **фразеоема**ларнинг номинатив (нопредикатив) ва коммуникатив (предикатив) турларига мансубдир, яъни улар шаклан қўшма лексема (девсифат, алпқомат, фариштасифат, *молфаҳм, эшакмия, dog-sick, ass-kisser, sheep-faced* ва ҳ.к.), фразема (*ит эмган, итдан тарқаган, илоннинг ёғини*

ялаган, *ass in grain, an ass in a loin's skin, sheep's eye, fox message, fox broadcast* ва ҳ.к.), фразеома (кўзимнинг оку-қароси, менинг жоним, *my love, my honey, my sandy* ва ҳ.к.), ёки гапга тенгдир (“Онане айлансин,....”, “Онане ўргилсин,”, “Онане қоқиндик,” “сен, бўйнинг узлуғур” “Сен, яшамағур,”, “Сен, жонинг чиққур,”, “Сен, кўр бўлғур,”, “Сен, балога учрағур,....”, “Сен, тилинг кесилғур,”, “Сен, ўлигинг чиққур,”, “Сен, тешиб чиққур,”, “Сен, даҳанинг тешилғур,”, “Сен, юзинг қурғур,”, *Bless my heart and soul!; Bless my life!; Bless my soul!; Bless me!; God forbid! God grant!* ва б.қ.).

Коммуникатив-прагматик семантикасига кўра ундалма вазифасида қўлланувчи фразео-гиперболамаларни қуйидаги турларга таснифлаштириш мумкин:

1) **суюш ва эркалаш семантикасини воқелантирувчи** (масалан, ўзбек тилида: *Онане қоқиндик, Онане гиргиттон, Онане ўргилсин, Онане айлансин, отанг бўйингдан Ҳой, аканг айланғур, туш, бир пиёла чой ич!*; **инглиз тилида:** *My sweetest, come here! My dearest, are you coming?*);

2) **дуо қилиш ва тилак билдириш семантикасини воқелантирувчи** (масалан, ўзбек тилида: “Эй, худо ёрлақағур, бир ёрдам қилинг!”, “Эй, худо ҳайрини берғур, бир бир оз дам олгин” ва ҳ.к.); “Ҳой, умринг узоқ бўлғур, бир оз сабр қил!”, “Эй, барака топғур, шу ҳайрли ишни қилинг, халқимиз сизни бир умр дуо қилади!”, “Ҳой, садағанг кетай, бу ерга яқинроқ ўтиринг!”, “Э, садағаси кетсин, ўғлингиз ўшаларни бир қўлласин!” ва ҳ.к.); **инглиз тилида:** *Oh, God, bless him! Gracious me! Forgive all his sins!; God's blessings to all of you! May your souls have peace!*

3) **илтижо қилиш семантикасини воқелантирувчи** (масалан, ўзбек тилида: “Эй, Яратган эгам, ўзинг панноҳингда асра болаларни!”, “Эй, Тангри-таало, ожиз бандангни ўзингизни асра!”, “Эй, Қодир Оллоҳ, офатлардан ўзинг сақла!”, “Эй, худойи-таоло, ўзинг мададкор бўл!”, “Эй, Парвардигори Олам, йўлларимизни очиқ қил!” ва ҳ.к.); **инглиз тилида:** *Oh, God, bless us all!; By George! Why the hell are here?; Oh, God, forgive me!; Oh, allmighty God, save us!*

4) **қарғаниш семантикасини воқелантирувчи** (масалан, ўзбек тилида: “Ҳой,

бўйнинг узлуғур, нималар деяпсан ўзи!”; “Ҳой, оғзингдан қонинг келғур, шундай ишларни қиласанми, ахир!”, “Эй, афтинг қурғур, йўқол бу ердан!”, “Эй, кўр булғур, қилган яхшиликларимни унутдингми?”, “Ҳой, ер ютғур, шундай юзсизмисан!”, “Ҳой, ўлигинг чиққур, ўз ватандошларингни сотдингми?”, “Ҳой, гўрингда тикка турғур, нега тухмат қиласан! Ҳой, лаҳатга кирғур” ва ҳ.к.); **инглиз тилида:** *God damn it, what do you think you're doing?; Oh, you damned boy, what are doing here?; A wanion to you! Stop that now!*

5) **лаънатлаш, сўкиш, ҳақорат семантикасини воқелантирувчи** (масалан, ўзбек тилида: “Эй, сен лаънати, нималар деяпсан!”, “Ҳой, сен исқирт, қачон одам бўлиб қолдинг!”, “Ҳой, сен ҳароми, ҳали гапирадиган бўлиб қолдингми!”, “Ҳой, ит эмган, ўзингнинг кимлигингни биласанми!”, “Ҳей, итдан тарқаган, нималар деб валдираяпсан!”, “Эй, сен ифлос, қаердан пайдо бўлдинг!”, “Сен, харомхўр, кечагина зўрға оёғингни босаётган эдинг-ку!”, “Эй, сен ҳайвон, оғзингга қараб гапир!”, “Сен, эшакмия, ҳозир кимлар билансан!”, “Эй, сен, молфаҳм, қачон яхшиликни билгандинг!”, “Ҳой, итнинг боласи, ҳозироқ кечирим сўра!”, “Эй, итдан тарқаган, туёғингни шиққиллат бу ердан!”, “Ҳой, сув илон, ўзингни бос!”, “Эй, сен чаён, мени чақа олмайсан!”, “Э, хира пашша, ҳозироқ бу бўлмағур ишларингни тўхтат!”, “Ҳой, сен, кўр каламуш, тумшуғингни бу ишга тикма!”, “Эй, сен, аммамнинг бузоғи, моллигингча қоласан эканда!”, “Ҳой, сен ҳўкиз, ўзингни бос!”, “Эй, сен бало, қаердан ҳам бизга қўшилдинг?”, “Эй, балонинг ўқи, мунча у ёқдан бу ёққа ҳолпиллайсан!”, “Эй, сен мурда, сен билан мен пачакилашиб ўтирмайман!”, “Ҳой, тирик мурда, бизнинг орамизда сенга ўрин йўқ!” ва ҳ.к.); **инглиз тилида:** *You, damned guy, get lost right now! You, old scoundrel, get out of here! You, son of a bitch, stop giggling! You, silly ass, don't get on my nerves! Pray! I tell you, you drunken bastard!*

Қиёсланаётган тилларда юқорида шарҳлаб ўтилган, ундалма орқали ифодаланган фразео-гиперболамаларнинг коммуникатив-прагматик турлари мулоқотда суҳбатдошнинг эътибори, диққатини ўзига тортиш, ром қилиш мақсадида гапнинг кириш бўлаги вазифасида кенг қўлланилади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, ундалма вазифасида қўлланувчи фразео-гиперболамаларнинг коммуникатив-прагматик турларини бир тилдан иккинчи бир тилга таржима қилишда бир қатор қийинчиликларга дуч келинади. Биз уларни қуйидаги усуллар орқали таржима қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1) **аналогик усул** (бу усулда ундалмали фразео-гиперболамалар ҳар икки тилда ўзларининг типи ва семантикасига кўра мос тушади. Масалан: *She began to cry. By George, that pretty well broke me up (W.S. Maugham) – У кўзига ёш олди. Худо ҳақки, мен ҳам чидаб туролмадим!*);

2) **эквивалент усул** (бу усулда ундалмали фразео-гиперболамалар ҳар икки тилда ўзларининг семантикасига кўра мос тушади. Масалан: *Oh, my darling, have a rest a bit! Эй, жонгинам, бир оз дам олсанг-чу!*);

3) **калька усули** (бу усулда ундалмали фразео-гиперболамалар ҳар икки тилда ўзларининг шакл ва семантикасига кўра мос тушади. Масалан: *“Oh, my God!” said Tom, “You used to be as cheerful as the day was long” (Ch. Dickens) – “Э, худойим-эй!” деди Том, “Сиз ахир ўта эҳтиёткор эдингиз-ку”;*

4) **изоҳ усули** (бу усулда ундалмали фразео-гиперболамалар ҳар икки тилда ўзларининг изоҳ орқали ифодаланган семантикасига кўра мос тушади. Масалан: *Oh, my eyes! What are you saying? – Ў, кўйсангизчи, нималар деб валдираяпсиз?; Oh, sweetest, come here! – Ҳей, онанг ўргилгур, мана бу ерга кел!*);

5) **парафраза усули** (бу усулда ундалмали фразео-гиперболамалар ҳар икки тилда ўзларининг шарҳлов орқали ифодаланган семантикасига кўра мос тушади. Масалан: *Bless my heart and soul! I’m not lying!*- *Оллоҳ шоҳид, мен ёлгон гапирётганим йўқ!*).

Кўриниб турибдики, қиёсланаётган тилларда ундалмали фразео-гиперболамалар ўзига хос лингвокультурологик жиҳатларга эга бўлиб, мулоқотда улар лингвокультуремалар, аниқроғи, муболағалашган семантикали “фразеокультурема”лар вазифасини ўтайдилар (масалан: *My eyes, ... - Кўйсангизчи, My God - худойим-эй*, *Bless my heart and soul ... - Оллоҳ шоҳид ва ҳ.к.*).

Гапнинг актуал бўлиниш қонуниятларига кўра ундалмали фразео-гиперболамаларнинг жойлашиш тартиби эркин бўлиб, улар гапнинг асосий қисмига нисбатан кўпроқ препозицияда, камроқ интерпозицияда, баъзан эса постпозицияда ҳам келади⁴.

Қиёсий таҳлилларимиз натижалари ўлароқ, ҳозирги замонавий инглиз ва ўзбек тилларида ундалмали фразео-гиперболамаларнинг бир қатор изоморфик (ўхшаш) ва алломорфик (ноўхшаш) жиҳатлари мавжуд эканлигини аниқладик, жумладан уларнинг изоморфик жиҳатлари ҳар икки тилда қуйидагилардан иборат:

1) ундалмали фразео-гиперболамалар мавжуд;

2) ундалмали фразео-гиперболамаларнинг номинатив (қўшма лексемалар, фраземалар, фразеомалар) ва предикатив (гап - сентенсема)лар билан ифодаланган турлари мавжуд;

3) ундалмали фразео-гиперболамалар гапда кириш бўлак, яъни парентеза вазифасини бажаради;

4) ундалмали фразео-гиперболамаларнинг беш хил коммуникатив-прагматик (*суюш ва эркалаш, дуо қилиш ва тилак билдириш, илтижо қилиш, қарғаниш ва лаънатлаш (сўкиниш, ҳақорат) семантикасини воқелантирувчи*) турлари мавжуд;

5) ундалмали фразео-гиперболамаларнинг барча мавжуд турлари предмет ёки ҳодисаларнинг тавсифи даражасини ёки миқдорини муболағалаштириб воқелантириш учун махсуслашган вербал воситалардир.

Инглиз ва ўзбек тилларида ундалмали фразео-гиперболамаларнинг алломорморфик (ноўхшаш) жиҳатлари эса ҳар икки тилда қуйидагилардан иборат:

1) ундалмали фразео-гиперболамаларнинг структурал моделларининг морфологик ва синтактик тавсифлари турличадир;

2) ундалмали фразео-гиперболамаларнинг қиёсланаётган тиллар истеъмолидаги мавжуд ўзига хос қолиплари асосида қурилган номинатив (қўшма лексемалар, фраземалар, фразеомалар) ва предикатив (гап - сентенсемалар билан ифодаланган) турлари мавжуд;

⁴ Бу масалани атрофлича ўрганишга алоҳида мақола бағишланади.

3) инглиз тили аналитик қурилишга эга бўлганлиги учун ундалмали фразео-гиперболамаларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги синтактик муносабатлар асосан аналитик воситалар (предлоглар ва сўз тартиби) орқали амалга оширилади. Ўзбек тилида эса бундай муносабатлар асосан агглютинатив (синтетик) воситалар (қўмакчилар, изофалар) орқали рўёбга чиқарилади ва ҳ.к.

Ундалмали фразео-гиперболамаларнинг изоморфик жиҳатлари қиёсланаётган тилларнинг мулоқот воситаси сифатида умумлисоний қонуниятларга кўра ривожланиши билан изоҳланса, уларнинг ноўхшаш жиҳатлари эса мазкур тилларда сўзлашувчи кишиларнинг бетакрор тафаккур соҳиблари эканликларидан, қолаверса, шундай тафаккур маҳсули сифатида улар томонидан ўзига хос тил бирликларининг қўлланилиши билан тушунтирилади.

Адабиётлар:

1. Амосова Н.Н. Фраземы как разновидность фразеологических единиц английского языка. // Проблемы фразеологии: Исследования и материалы / Под ред. А.М. Бабкина. – М.– Л., 1964.
2. Арутюнова Н.В. Язык и мир человека. – М.: Наука, 1998. - 231 с.
3. Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода. // Вопросы языкознания, 1994, №4. – с. 17-33.
4. Кубрякова Е. С. О когнитивной лингвистике и семантике термина "когнитивный"// Вестник Воронежского государственного университета, серия: Лингвистика и межкультурная коммуникация. - Воронеж, 2001. - с. 4-10
5. Кунин А.В.. Курс фразеологии современного английского языка. Издание второе, переработанное, – Москва, «Высшая школа», Дубна, Издательский центр «Феникс» 1996.
6. Кунин А.В. Основные понятия фразеологии как лингвистической дисциплины и создание англо-русского фразеологического словаря: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – М., 1964.
7. Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада?// Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари(проф. А.Нурмонов тавллудининг 70 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2012.
8. Маслова В. А. Введение в когнитивную лингвистику. – М.: Флинта: Наука, 2006. 296 с.
9. Николаева Т.М. Интонация сложного предложения в славянских языках. – М.: Наука, 1968. 186 б.
10. Степанов Ю. С. Константы: словарь русской культуры. – М.: Академический проект, 2001. 990 с.
11. Филлмор Ч. Фреймы и семантика понимания. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс. 1988. – с. 52-92.
12. Хайруллина Д. Д. К вопросу о типологии концептов// Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2010. № 1 (5): в 2-х ч. Ч. II. С. 218-220.
13. Хошимов Г.М. К теории концептов и их таксономии в когнитивной лингвистике.// Систем-структур тилшунослик муаммолари. Филология фанлари доктори, профессор Н.К.Турниёзов таваллудининг 70-йиллигига бағишланган Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Самарканд. 2010.
14. Хошимов Ғ.М., Қорабоев Ж.Б..Таржиманинг лингвокогнитив асослари ва лингвокультурологик жиҳатлари. // Маданиятлараро ва илмий-техник алоқаларда таржиманинг ўрни ҳамда роли. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Наманган, 2014, 390-395 б.
15. Хошимов Г.М. Принципы и методика типологического сопоставления сложных предложений. – Андижан: Ҳаёт, 2016.
16. Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида. // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2011.
17. Jackendoff R. Semantics and Cognition. 6th ed. Cambridge (Mass.): The MIT Press. 1993.
18. Langacker R. W. Foundations of Cognitive Grammar. V.1. Theoretical Prerequisites. – Stanford, 1987.